



## ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШИДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

*Ne'matov Azizbek G'olibjon o'g'li\**

**Аннотация.** Мақолада тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиши билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўрганилган. Соҳа олимларининг фикрлари таҳлил қилинган, жиноятларнинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиши, ушбу жараёнда судларнинг ролини ошириш билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммолар ва уларни хал қилиши юзасидан таклифлар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** жиноятчиликнинг олдини олиши, одил судлов, превентив чоралар, тақдимнома, хусусий ажрим, жиноят сабаблари, жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароит.

## ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ В ПРОФИЛАКТИКЕ ПРЕСТУПНОСТИ ОРГАНАМИ СЛЕДСТВЕННОГО ДЕЙСТВИЯ

**Аннотация.** В статье рассматриваются нормативные правовые документы следственных органов, связанные с профилактикой преступлений. Проанализированы мнения ученых в данной области и выявлены причины преступлений. а также обозначены проблемы в практике правоприменения, связанные с устранением условий, допускающих это, повышением роли судов в этом процессе, и предложения по их решению.

**Ключевые слова:** предупреждение преступлений, справедливое судебное разбирательство, меры пресечения, представление, частный вердикт, причины преступления, условия, способствовавшие совершению преступления.

\* ИИВ Академияси ўқитувчиси. [azizbek\\_nematov\\_696@mail.ru](mailto:azizbek_nematov_696@mail.ru)

PROBLEMS AND SOLUTIONS IN CRIME PREVENTION BY  
INVESTIGATIVE AUTHORITIES

*Anntation.* The article examines the normative legal documents of investigative bodies related to crime prevention. The opinions of scientists in this area are analyzed and the causes of crimes are identified. Problems in law enforcement practice related to the elimination of conditions that allow this, increasing the role of courts in this process, and proposals for their solution are also identified.

*Keywords:* crime prevention, fair trial, preventive measures, presentation, private verdict, causes of crime, conditions that allowed the commission of the crime.

Жиноятларнинг олдини олиш ҳар бир жамият ва давлат олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ҳамда унинг натижаларини таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликларни тизимли аниқлаш ҳамда уларга имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда<sup>1</sup>.

Жиноятларнинг олдини олишга қаратилган ишларни тўғри ташкил этиш жиноятчиликка қарши самарали курашишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Республикамизда бу йўналишдаги ишларнинг салмоқли қисми терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органлари томонидан амалга оширилмоқда. Жиноятчиликнинг ҳозирги ҳолати тергов органларидан жиноятларнинг олдини олиш билан боғлиқ тегишли чораларини кўришни тақозо этмоқда.

Маълумки, тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиб бориш фаолиятининг жиноят ишини кўзғатиш билан боғлиқдир. Ўзбекистон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон Фармони. // URL: <http://www.lex.uz>.



Республикаси ЖПКнинг 296-моддасида “Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбурияти” бўлиб, унга кўра “жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт”<sup>2</sup>лиги белгилаб қўйилган. Ушбу кодекснинг 297-моддасида эса “Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси” деб номланиб, унга мувофиқ “Суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади”<sup>3</sup> деб белгиланган.

Тергов органларининг жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тақдимномаси – бу жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича қонунда белгиланган тартибда тўпланган ҳамда текширилган далилларга асосланган ҳолисона хулосаси баён этилган процессуал ҳужжат. Тақдимноманинг ҳуқуқий табиати шундаки, у суриштирувчи, терговчи ҳамда прокурорнинг текширилган ва исботланган фактларга асосланган муайян криминологик ҳолатларни бартараф қилиш тўғрисидаги талабидир. У мажбурий юридик кучга эга. Бошқача айтганда, тақдимнома қонунга мувофиқ чиқарилган, ишончли далилларга асосланган, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳамда барча давлат, жамоат муассасалари, корхоналари, ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши шарт бўлган процессуал ҳужжатдир.

<sup>2</sup> Жиноят-процессуал кодекс 296-модда. // URL:<http://www.lex.uz>.

<sup>3</sup> Жиноят-процессуал кодекс 297-модда. // URL:<http://www.lex.uz>.



Қонунда тақдимноманинг процессуал шакли белгилаб қўйилмаган. Тақдимнома киритиладиган аниқ манзилни ҳамда жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда ихтиёрий шаклда тузилади. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида, одатда, тақдимномаларда жиноят фабуласи тасвирланади ҳамда уни келтириб чиқарган аниқ сабаб ва шароитлар кўрсатилади. Шундан сўнг ушбу сабаб ва шароитларни бартараф қилиш йўллари, усуллари ва муддатлари белгиланади. Терговчи ёки прокурор жиноят ишини қўзғатар экан, дарҳол жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш чораларини кўришлари керак. Айни пайтда, шуни ҳам эътиборга олиш керакки, гап жиноятчилик сабабларини эмас, балки бир ёки бир неча жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳақида бормоқда. Шундай қилиб, қуйидагиларни аниқлаш лозим:

1. Жиноят иши доирасидаги (гумонланувчи ва айбланувчи) шахс(лар)нинг қонунга итоатгўйлик руҳи, жамиятдаги қарашлари ва одатлари, жиноятни содир этилишига олиб келган муайян сабаблар.

2. Жиноятнинг амалга оширилишини осонлаштирган (жабрланувчи(лар)нинг ҳаракатларидаги жиноят содир этилишига имкон берган шароити, баданга шикаст етказишда гувоҳ ва шоҳидларнинг ҳаракатсизлиги ва х.к.) шароитлар<sup>4</sup>.

Ҳар бир ишда жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига тегишли бўлган барча ҳолатлар аниқланган бўлиши зарур. Терговчи мазкур сабаб ва шароитларни аниқлагач, уларни дарҳол бартараф қилиш чораларини кўриши керак.

*Терговчининг тақдимномага жавоб олиш бўйича фаолияти* ЖПКда жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома қачон

<sup>4</sup> А.Х. Раҳмонқулов, Д.М.Миразов Дастлабки тергов: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. –Б. 449-450.



киритилиши белгиланмаган. Бундай тақдимномалар миқдори ҳам ЖПКда кўрсатилмаган. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида дастлабки тергов тамомланганидан сўнг, суриштирувчи ёки терговчи содир этилган жиноят ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлганидан кейингина бундай тақдимнома киритилади. Бироқ бундай ҳолларда терговчининг ўз тақдимномасига жавоб талаб қилишига вақти қолмайди, чунки уни киритгач, терговчи айблов хулосасини тузади ва жиноят ишини прокурорга жўнатади. Тақдимномага жавоб олинishi керак бўлган бир ойлик муддат ушбу жиноят иши терговчининг юритувидан кетгандан кейин тугайди. Шу боис, иш судга юборилгач, мазкур тақдимнома терговчи учун аҳамият касб этмайди. Натижада кўплаб тақдимномаларга жавоб келмайди, агар келса ҳам номигагина ёзилган бўлади. Терговчи тақдимномани қанчалик эрта киритса, уни амалга ошириш натижалари билан шунчалик кўпроқ ишлай олади. Тақдимномани жиноят ишини қўзғатилганидан кейин дарҳол киритиши мумкин. Бундай ҳолларда терговчи тақдимномага жавоб олиш бўйича чора кўриш учун кўп вақтга эга бўлади.

Тақдимнома фақат жиноятларнинг олдини олиш учун киритилади. Шу боис, агар терговчи тақдимномага юборилган жавобдан қониқмаса, у бу тўғрида муассаса, корхона, ташкилот маъмурияти ёки жамоадан шунчаки жавоб ёзиб юбориш билан шуғулланмай, қонунга асосан чора кўришни талаб қилиши мумкин. Зарур ҳолларда ўз тақдимномасининг тўғри бажарилаётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун терговчининг ўзи йиғилишга келиши мумкин. Агар тақдимномага умуман жавоб олинмаса, терговчи бундай жавобни олиш учун эслатма юборади.

Асосийси тақдимноманинг самарадорлиги бўлиб, у жиноятларнинг илгари содир этилган жойда бошқа содир этилмаслиги, улар сонининг камайиши ёки такрорий жиноятчиликнинг олди олинishi билан белгиланади. Айрим ҳолларда терговчи ўз юритувида бўлган жиноят ишларининг натижалари бўйича тақдимномалар киритади.



Айрим ҳолатларда тақдимнома жиноят содир этиш учун қулай шарт-шароит яратган шахс(лар)ни жиноий, маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортиш учун қонуний асос вазифасини бажаради. Шунинг учун киритилган тақдимнома тергов давомида тўпланган далилларга асосланиши лозим. Суриштирувчи, терговчи ҳамда прокурор жиноят содир этилишига сабаб бўлган ҳолатларни ва имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш учун тегишли процессуал қарор қабул қилиш учун етарли маълумотлар мавжудлиги тўғрисида хулосага келганидан кейингина у қонуний ва асослантирилган тақдимномани бериши мумкин.<sup>5</sup>

Тақдимнома ёки хусусий ажрим бажарилмаган тақдирда, бунга айбдор бўлган корхона, муассаса ёки ташкилотларнинг раҳбарларига нисбатан МЖТКнинг 196-моддасига мувофиқ жавобгарлик белгиланган. Ушбу модданинг диспозициясида “Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик”<sup>6</sup> белгиланган. Амалиётда тақдимномаларга жавоб хати юбормаслик сонининг йилдан-йилга ортиб боришини ачинарли ҳолат сифатида белгилаш мумкин. Бу эса ўз навбатида жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини тўла ҳажмда ишламаётганлиги натижасида жиноятчиликнинг сони тобора ошиб боришига замин яратмоқда.

Бундан ташқари Миллий гвардия суриштирувчилари ва ички ишлар органлари суриштирувчи ва терговчиларининг ЖПК талаблари асосида киритилган тақдимномалардаги талабларни бажармаслик маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради. Лекин эътиборлиси жиноят ишини тергов қилиш ваколатига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг, Бош прокуратура ҳузуридаги

<sup>5</sup> Неъматов А. и др. ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШИ ЮЗАСИДАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ //Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 215-223.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қоллексинг 196-молдаси.



Мажбурий ижро бюросининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг, Давлат божхона кўмитасининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг суриштирувчилари ва прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати терговчилари ҳамда прокурорларнинг юритувидаги жиноят иши доирасида чиқарган тақдимномасининг ижроси таъминланмаса жавобгарлик масаласи белгилаб ўтилмаган. Масалан, Давлат хавфсизлик хизмати тергов органларининг киритган тақдимномаси бажарилмаган тақдирда ҳуқуқбузарлик сифатида белгилаб ўтилиши мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили мазкур нормани такомиллаштириш зарурияти борлигидан далолат бермоқда Бизнингча, МЖТКнинг 196-моддасини “Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф қилиш юзасидан терговга қадар текширув, суриштирув, тергов органлари ҳамда прокурорнинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда юқорида келтириб ўтилган муаммоларни бартараф қилиш ҳамда жиноятларни олдини олиш фаолиятидаги мавжуд механизмларни самарали ишлашига хизмат қилади.

Шундай қилиб, қайд этилган бир қатор муаммоларни ҳал қилиш учун юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагилар таклиф этилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 296, 298 ва 299-моддаларидан келиб чиққан ҳолда, жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилишда судларнинг рўлини ошириш.

Жиноят ишларни ўрганишда суриштирувчи, терговчи ҳамда прокурор томонидан процессуал қонун талаблари, шу жумладан, жиноят сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашга доир талаблари бажарилган-бажарилмаганлигини синчковлик билан текширилиши, шунингдек, суднинг ўзи томонидан аниқланган жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўрилмаган бўлса, ушбу бўшлиқни тўлдириб, унга хусусий ажрим орқали муносабат билдириши лозим.



2. Аниқланган жинойтнинг сабаблари ва шарт шароитларни, шунингдек, судлар томонидан тақдим этилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар тўғрисидаги ахборотларни жамлаш ва ҳисобини юритиш, жинойтларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг муҳокамаси жараёни ҳамда натижалари Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ёритиб борилишини ҳамда кенг жамоатчиликка етказилишини таъминлаш зарур. Юқоридаги тақлифларнинг барчаси Республикамизда жинойтларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади деб ўйлаймиз.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон Фармони. // URL: <http://www.lex.uz>.
2. Жинойт-процессуал кодекс 296-модда. // URL: <http://www.lex.uz>.
3. Жинойт-процессуал кодекс 297-модда. // URL: <http://www.lex.uz>.
4. А.Х. Раҳмонқулов, Д.М. Миразов Дастлабки тергов: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. -Б. 449-450.
5. Неъматов А. и др. ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШИ ЮЗАСИДАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ //Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 215-223.
6. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддаси.